




Судлар фаолиятини очик,
шаффоф тарзда ташкил этиш
ва манфаатлар тўқнашуви
қоидаларига риоя этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- ▶ Ўзбекистон Республикасининг **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонуни, 2017 йил 3 январь
- ▶ **“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”**ги қонун, 2022 йил 8 август, ЎРҚ-788.
- ▶ **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги қонун, 2024 йил 5 июнь, ЎРҚ-931.
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5729-сон Фармони.
- ▶ Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарори, 1997 йил 11 март, 133-сон. **Қариндош-уруғларнинг бирга ишлашларини чеклаш тўғрисидаги қоидалардан истисноларга йўл қўйилиши мумкин бўлган давлат корхоналари ходимларининг рўйхати 3-илова.**
- ▶ Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- ▶ “Судьялар одоб комиссиялари тўғрисида”ги Низом
Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 19 январдаги 1657-сонли қарори
билан тасдиқланган
- ▶ “Судьялар томонидан совғалар қабул қилинганлиги ҳақида
хабар бериш, топшириш, баҳолаш ва ҳисобга олиш
тартиби тўғрисида”ги Низом
Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 4 августдаги 1601-сонли Қарори
билан тасдиқланган
- ▶ Суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик
ҳолатларини аниқлаш, бу ҳақда хабар
берган судьяларнинг дахлсизлигини
таъминлаш ТАРТИБИ



Манфаатлар тўқнашуви — шахсинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият.

Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқишига асос - **шахсий манфаатдорлик** ҳисобланади.

Бунда манфаатлар тўқнашувининг бевосита ёки билвосита омиллар орқали юзага келганлиги аҳамиятга эга эмас ва вазиятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Шахсий манфаатдорлик **бевосита** – давлат хизматчисининг ўзи билан боғлиқ бўлса ҳам ёки **билвосита** – давлат хизматчисига тўғридан-тўғри манфаат олиб келмаса-да, унинг қариндошига, бошқа танишларига, шунингдек, у билан ишбилармонлик муҳитида бўлган шахслар билан боғлиқ ҳолда юз берса ҳам ҳолатга манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳо берилади.

Шахсий манфаатдорлик деганда судьянинг ёхуд у билан алоқадор шахсларнинг судья томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки унинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик тушунилади.

Шахсий наф – пул, моддий ва номоддий қимматликлар, бошқа мулклар, наф ва имтиёзлар шаклида бўлиши мумкин.

ҚУЙИДАГИ ШАХСЛАР ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ ЁКИ БОШҚА ТАШКИЛОТНИНГ ХОДИМИГА **АЛОҚАДОР** **ШАХСЛАР** ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ:

- ▶ ХОДИМНИНГ ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАРИ
- ▶ ХОДИМ ВА (ЁКИ) УНИНГ ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАРИ ҚАЙСИ ЮРИДИК ШАХСНИНГ УСТАВ ФОНДИ АКЦИЯЛАРИГА ЁКИ УЛУШЛАРИГА ЭГАЛИК ҚИЛСА, ЎША ЮРИДИК ШАХС
- ▶ ХОДИМ ЁХУД УНИНГ ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАРИ ҚАЙСИ ЮРИДИК ШАХСДА БОШҚАРУВ ОРГАНИНИНГ РАЎБАРИ ЁКИ АЪЗОСИ БЎЛСА, ЎША ЮРИДИК ШАХС

Яқин қариндошлар:

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” Қонун

ота-оналар

ака-укалар

опа-сингиллар

ўғиллар, қизлар,

эр-хотинлар

эр-хотинларнинг ота-
оналари, ака-укалари, опа-
сингиллари ва фарзандлари.

Солиқ кодекси

ота-онаси

туғишган ва ўғай ака-укалари
ва опа-сингиллари

эри (хотини)

Фарзандлари

фарзандликка олинганлар

боболари, бувилари

Неваралари

эрининг (хотинининг) ота-
онаси

Жиноят кодекси

қариндош ёки қуда томондан
қариндош бўлган шахслар:
ота-она

туғишган ва ўғай ака-ука ва
опа-сингиллар

эр-хотин

Фарзанд

фарзандликка олинганлар

бобо, буви, неваралар

эр-хотиннинг ота-онаси,
туғишган ва ўғай ака-ука ва
опа-сингиллари.

Манфаатлар тўқнашувининг кўринишлари

Лоббизм

(инглиз. lobby – кулуар, коридор)
норасмий шахсларнинг расмий
вакиллар билан келишиб, зарур
қарорлар қабул
қилишдаги сиёсий таъсирнинг
ўзига хос тури



Раҳнамолик, фаворитизм (фр. favorit)

химоя остидаги айрим
ходимларни яқин олиш ва
қўллаб-қувватлаш



Клиентелизм (ингл. clientelism,
лот. clientēla - мижоз) - юқори
лавозимдаги мансабдор шахс ва
унга хайрихоҳ бўлган шахслар (мансабдор шахслар,
тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар)



Протекционизм (лот. кўмаклашиш)
маълум бир шахсларни лавозимга
тайинлашга кўмаклашиш

Непотизм (лот. nepos жиян)
қариндош-уруғчилик, ҳудудий
ёки этник принциплар асосида
давлат тузилмаларида ёки бошқа
тузилмаларда тор гуруҳчилик
манфаатлари билан иш кўриш

Кронизм (инглиз. хамфикр,
таниш биличилик, гуруҳбозлик)
лавозимларни таниш-
билишчилик асосида дўстларга
бериш



Пантуфляж (фран. шиппаки
алмаштириш) —давлат хизматчиси
давлат секторидан кетиб, хусусий
секторга ишга жойлашиши

Манфаатлар тўқнашувини вужудга келтирувчи омиллар

- ▶ тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита ёки билвосита иштирок этиш;
- ▶ давлат хизматларидан фойдаланишда ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;
- ▶ муайян гуруҳ манфаатларида норматив ҳужжатлар (шу жумладан, Пленум қарорлари) қабул қилиш ҳақидаги ташаббусни илгари суриш;
- ▶ моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида айрим судьяларни қўллаб-қувватлаш, совғалар бериш, хизматини бажариш, шунингдек суд ходимлари билан тил бириктириш;
- ▶ ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир фойда ёки совғалар олиш;
- ▶ чет давлат фуқаролигини олиш;
- ▶ қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланиш.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмлари:

- ▶ барча лавозимларга судья ва суд ходимларини очиқ ва шаффоф танлов асосида тайинлаш;
- ▶ номзодларга нисбатан талабларни қонунда белгилаш;
- ▶ суд тизимида ишга кирадиган судьялар ва ходимлар учун коррупцион хавф-хатарлар ва манфаатлар тўқнашувига оид ўқув курсларини жорий қилиш;
- ▶ судья ва суд ходимларига нисбатан ҳар қандай таъсир чоралари ёки рағбатлантириш коллегиал орган томонидан қўлланилишини таъминлаш;
- ▶ ротация институтини қўллаш;
- ▶ жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- ▶ декларация тизимини жорий қилиш;
- ▶ нормал иш шароити ва иш ҳақини таъминлаш;
- ▶ соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва кўрсатиладиган электрон хизматлар турларини кенгайтириш.

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар асосан манфаатлар тўқнашуви оқибатида содир этилади.

- *Манфаатлар тўқнашувининг мажбурий белгиларига* судьянинг муайян вазиятда ўз мансаб ваколатларини амалга оширишига таъсир кўрсатилиши ёки бунинг эҳтимоли, бунинг учун моддий ёки номоддий манфаат олганлиги ёки олиши мумкинлиги ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш киради.

Шахсий манфаатдорликнинг ўзи ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди, судья уни амалда қўллаши билан ишни кўришда холислик йўқолади ва тегишли жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

372²-модда. Суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари

- 5) моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

372⁴-модда. Процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш

- 1) иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган бўлса;

21-модда. Судьяни рад қилиш асослари

1) шу иш илгари кўрилганида судья сифатида иштирок этган бўлса ва ишни кўришда такрор иштирок этишига йўл қўйилмаса;

2) ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

3) шу иш илгари кўрилганида ҳакамлик судининг судьяси, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби, гувоҳ ва вакил сифатида иштирок этган бўлса;

4) тараф ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса;

5) ишни кўраётган ҳайъат таркибига кирувчи судьянинг қариндоши бўлса.

Манфаатлар тўқнашуви вужудга келганда судьянинг мажбурияти:

ўзини ўзи рад қилиши ва суд процесси иштирокчиларини хабардор қилиши шарт («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 62-моддаси).

Судья шахсий манфаатлари йўлида хизмат ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги, қариндош-уруғчиликка, таниш-билишчиликка, маҳаллийчиликка, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, хизмат юзасидан бириктирилган моддий ва номоддий манбалардан (ресурслардан) шахсий, оиласи ва бошқалар манфаатида фойдаланмаслиги шарт.
(Судьялар одоби кодексининг 6-моддаси)

Эътибор беринг!

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳақидаги қонун талаби муҳим аҳамиятга эга, чунки манфаатлар тўқнашувини тартибга солмаслик ёки уни ўз вақтида аниқламаслик жамиятнинг суд тизимига нисбатан ишончини ва одил судловни шубҳа остида қолдиради.

Манфаатлар тўқнашувига оид талабларнинг бузилиши қуйидаги ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради:

- ▶ манфаатлар тўқнашувини маълум қилмаслик ёки унинг тартибга солинмаганлиги учун интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортиш;
- ▶ манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш, ўзгартириш ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш;
- ▶ манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарор ҳақиқий эмас деб топилганлиги натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан давлат органларига ёки бошқа ташкилотларга етказилган зарар давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг айбдор ходимларидан регресс тартибида ундириб олиш.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Чеклаш

Давлат вазифаларини лозим даражада бажариш билан номувофиқ деб ҳисобланадиган фаолият ва лавозимлар рўйхати аниқ белгиланиши ва тақиқланиши керак.

МТни ошкор қилиш

Баъзи мансабдор шахслар ўтмишдаги ва ҳозирги МТга оид маълумотлар (молиявий активлар ва бошқалар)ни мунтазам равишда эълон қилиб боришлари зарур.

Бунда нафақат ўзларининг, балки турмуш ўртоқлари ва фарзандларига оид маълумотлар ҳам ошкор этилиши керак.

Тартибга солиш

Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг ҳамда хизмат вазифаларини виждонан бажармаганлик учун интизомий чоралар кўришнинг аниқ тартиблари белгиланиши керак.

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”
Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибга солишда қуйидагиларнинг ваколатлари белгиланган

- ▶ Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
- ▶ Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар
- ▶ Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар одоб-ахлоқ комиссияси
- ▶ Махсус бўлинма



“Судьялар одоб комиссиялари тўғрисида» НИЗОМ

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 19 январдаги
1657-сонли қарори билан тасдиқланган

Комиссия фаолиятининг мақсади:

судьялар томонидан Судьялар одоб қоидалари бузилганлигига оид мурожаатларни кўриб чиқиш;

ОАВ ва интернет тармоғидаги хабар ва маълумотларни ўрганилишини таъминлаш;

Судьялар одоб кодекси қоидалари бузилишининг олдини олиш.

Комиссия қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:

- ▶ судья хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) Судьялар одоб кодекси қоидаларига мувофиқ эмас деб топиш;
- ▶ судья хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) Судьялар одоб кодекси қоидаларига мувофиқ деб топиш;
- ▶ судьянинг дахлсизлиги бузилган деб топиш;
- ▶ судьянинг мурожаатида келтирилган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) Судьялар одоб кодекси қоидаларига мувофиқ ёки мувофиқ эмас деб топиш.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ХОДИМЛАР ТОМОНИДАН ОШКОР ЭТИШ **ИККИ ШАКЛДА** АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

1) Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари томонидан **эҳтимолий манфаатлар тўқнашuvi тўғрисидаги декларация** ҳамда **мавжуд манфаатлар тўқнашuvi ҳақидаги хабарнома** тақдим этиш.

2) Давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ходимларига алоқадор шахслар томонидан **манфаатлар тўқнашuvi тўғрисида декларация** тақдим этиш.

Давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходими қуйидаги ҳолларда мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан **1 иш кун** ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарномани тўлдириши ва ўзининг бевосита раҳбарига ёки махсус бўлинмага тақдим этиши шарт:

- 1) ўзининг яқин қариндошлари бевосита бўйсунувидаги ишга қабул қилинганда ёки ўзига алоқадор шахслар унинг ишига жалб қилинганда;
- 2) ўзига алоқадор шахсларнинг шахсий манфаатига тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этаётганда;
- 3) яқин қариндоши текширув ўтказилаётган объектда (юридик шахс) текширув ўтказилаётган йўналиш бўйича масъул мансабдор шахс сифатида ишлаётганда ёки мазкур текширув объекти (юридик шахс) унга алоқадор шахс бўлганда;
- 4) бошқа ҳар қандай мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлганда.

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади

- 1) манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бераётган давлат органи ва бошқа ташкилот ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
 - 2) давлат органи ва бошқа ташкилот ходимининг манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган яқин қариндошининг фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёки алоқадор шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;
 - 3) мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот.
- Хабарнома хабар бераётган давлат органи ва бошқа ташкилот ходими ва (ёки) унинг бевосита раҳбари (айрим ҳолларда, унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан қўлда шахсан қўйилган имзо ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши ва унда кўрилган тартибга солиш чоралари акс эттирилган бўлиши керак.

- ▶ Давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар таркибий бўлинмасининг раҳбари мавжуд манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича ўз ваколатлари доирасида кўрилган **ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА МАХСУС БЎЛИНМАГА 1 ИШ КУНИ ИЧИДА АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШИ ШАРТ**
- ▶ Махсус бўлинма кўрилган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун ахборотни **3 ИШ КУНИ ИЧИДА ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИГА ТАҚДИМ ЭТАДИ**



Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби

- ▶ Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими шахсга доир маълумотлари ўзгарган тақдирда, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириши ва **ҳар йили 15 январдан кечиктирмай** махсус бўлинмага тақдим этиши керак.
- ▶ Давлат органига ёки бошқа ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзод, шунингдек бошқа ишга ўтказилган ходим эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги белгиланган шаклдаги декларацияни тўлдириши ва тақдим этиши керак.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- ▶ давлат органи ва бошқа ташкилот ходимининг лавозими ҳамда унинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
- ▶ давлат органи ва бошқа ташкилот ходими яқин қариндошларининг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда), шунингдек иш жойи ва лавозими;
- ▶ давлат органи ва бошқа ташкилотнинг ходими ёки унинг яқин қариндошлари акциядор бўлган акциядорлик жамиятининг расмий номи ва унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- ▶ давлат органи ва бошқа ташкилот ходимининг яқин қариндоши муассис (иштирокчи), бошқарув органлари аъзоси бўлган юридик шахснинг номи ва унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами.

Манфаатлар тўқнашувлари қуйидаги манбалардан олинган маълумотлар орқали аниқланади:

- ▶ Қонунда назарда тутилган декларациялар;
- ▶ давлат харидлари давомида олинган таклифлар, саралаш ёки тендер комиссиялари мажлисларининг баённомалари, тузилган шартномалар;
- ▶ жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимининг фаолиятидаги мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги мувожадатлари ёки хабарлари;
- ▶ тижорат ташкилотларининг аффилланган шахслари ва якуний наф олувчилари (бенефициарлари) рўйхатлари;
- ▶ Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш модуллари;
- ▶ «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизими;
- ▶ Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий меҳнат тизими;
- ▶ Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси;
- ▶ махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича тақдим этилган тақдимнома.

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларга нисбатан қабул қилинадиган чоралар:

- ▶ раҳбарнинг бевосита бўйсунувидаги ходимни манфаатлар тўқнашуви юзага келмайдиган бошқа раҳбар бўйсунувига ўтказиш;
- ▶ ходимни манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган коллегиал орган таркибидан ихтиёрий равишда ўзини ўзи рад этиши орқали ёки мажбуран четлаштириш;
- ▶ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимининг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш;
- ▶ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимининг ташкилотнинг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ахборотидан ва ҳужжатларидан фойдаланишини чеклаш;
- ▶ якка тартибда қарорлар қабул қилишга доир ваколатларнинг қонунчиликка мувофиқлиги устидан коллегиал назоратни таъминлаш;

- 
- ▶ давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ходимига ўзидаги шахсий манфаатдорликни бартараф этиш тўғрисида қонунчиликка мувофиқ таклиф бериш;
 - ▶ ходим томонидан ўзи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг манфаатларига зид бўлган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;
 - ▶ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимининг шахсий манфаатдорлигини бартараф этиш чораларини кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, ходимнинг розилиги асосида уни аввалги лавозимига тенг бошқа лавозимга ўтказиш ёки меҳнат шартномасини (контрактни) умумий асосларда бекор қилиш.

Мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви

Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрига қуйидаги асосларга кўра киритилади:

- ▶ давлат органларига ва бошқа ташкилотларга ишга қабул қилишда номзод томонидан тақдим этилган декларацияда мавжуд манфаатлар тўқнашуви аниқланганда;
- ▶ давлат органининг ва бошқа ташкилотнинг ходими бошқа ишга ўтказилаётганда ўзидаги мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни хабар қилганда;
- ▶ давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ходими томонидан тақдим этиладиган ҳар йиллик эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда мавжуд манфаатлар тўқнашуви аниқланганда;

- 
- ▶ мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарнома тақдим этилганда;
 - ▶ эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация тақдим этилганда;
 - ▶ давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ходимида расмий электрон маълумотлар базалари орқали манфаатлар тўқнашуви аниқланганда;
 - ▶ келиб тушган мурожаатга ёки хабарга асосан давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ходимида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тасдиқланганда;
 - ▶ хизмат текширувлари ҳамда бошқа турдаги текширувлар натижасида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ходимида манфаатлар тўқнашуви аниқланганда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига 3-илова
Давлат (акционерлик) корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-
уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига
бевосита бўйсунити ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса,
бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши
мумкин бўлган ходимлари

- ▶ 1. Хориждаги дипломатик хизмат ходимлари.
- ▶ 2. Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ жойлардаги қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот муассасаларида ишловчи қишлоқ хўжалиги мутахассислари.
- ▶ 3. Темир йўл транспортининг линия корхоналари ходимлари, шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясининг йўл, қурилиш-монтаж ва темир йўлларнинг ихтисослаштирилган трестларининг қурилиш-монтаж ва кўприксозлик поездлари, механизациялашган колонналари ва бошқа ҳаракатланувчи тузилмаларнинг ходимлари, бу корхона ва ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.

- ▶ 4. Алоқадан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари.
- ▶ 5. Соғлиқни сақлаш даволаш-профилактика ва санитария-профилактика муассасаларининг шифокорлари.
- ▶ 6. Барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар.
- ▶ 7. Театрлар, бадий жамоалар ва студияларнинг артистлари, рассомлари ва муסיқачилари.
- ▶ 8. Архивлар ходимлари, бу муассасаларнинг бош бухгалтерлари, бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари, илмий муассасалар ходимлари, шунингдек, сейсмик станциялар ходимлари.
- ▶ 9. Гидрометеорология бош бошқармаси тармоқ ташкилотларининг ходимлари.
- ▶ 10. Дала геология экспедициялари, партиялари, отрядлари ва участкалари ходимлари.
- ▶ 11. Қишлоқ жойларда ишлайдиган ўрмон ва сув хўжалиги мутахассислари, халқ таълими ходимлари, тиббиёт ходимлари, маданий-маърифий муассасалар ходимлари.
- ▶ 12. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида фойдаланишни амалга оширувчи йўл ташкилотларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.

- 
- ▶ 13. Қурилиш-монтаж ва кўприксозлик қуриш поездлари, механизациялашган колонналар ва бошқа кўчма махсус қурилиш тузилмаларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
 - ▶ 14. Дарё флоти кемаларининг сузувчи таркиби ходимлари ва дарё транспортидан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
 - ▶ 15. Магистраль трубопроводлар қурилиши ҳамда нефть ва газ конларини тартибга келтиришни амалга оширувчи қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган бошқарма ва участкаларнинг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.
 - ▶ 16. Ҳавза ва кўллардаги балиқчилик хўжаликлари, балиқчилик заводлари, балиқларга увулдириқ сочиш ва уларни ўстириш хўжаликлари ва балиқларни озиқлантирадиган жойларнинг ходимлари, бу корхоналарнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.

ЖАВОБГАРЛИК

- ▶ Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бермаслик **БХМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
 - ▶ Агар ушбу ҳуқуқбузарлик 1 йил давомида такроран содир этилса, **БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача** миқдорда жарима қўлланилади
- ▶ Мансабдор шахслар томонидан мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўрмаганлик **БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
- ▶ Агар ушбу ҳуқуқбузарлик 1 йил давомида такроран содир этилса, **БХМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача** миқдорда жарима қўлланилишига сабаб бўлади.

(Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193⁴-моддаси)

1-КАЗУС

Икки йирик компания ўртасидаги иқтисодий низони ҳал қилиш мақсадида компания судга мурожаат қилди. Низодаги тарафларнинг акциялари биржада сотилиши ва мазкур низо натижаси акция баҳосига сезиларли таъсир қилиши мумкинлиги боис суд мажлиси ёпиқ тарзда олиб борилиб, унда фақат чекланган доирадаги шахслар иштирок этишига рухсат берилди. Ушбу суд муҳокамасида иштирок этаётган шахслар қаторига судья ёрдамчиси ҳам киритилган бўлиб, у компаниялардан бирининг аффилланган шахси эканлиги маълум бўлди. Судья ёрдамчиси бу ҳақда судьяга манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини маълум қилди.

Савол: Мазкур ҳолат манфаатлар тўқнашуви деб баҳоланиши мумкинми? Судья қандай ҳаракат қилиши керак бўлади?

2-КАЗУС

Иқтисодий суд судьяси икки компания ўртасидаги низони кўриб чиқиши давомида тарафлардан бирининг таъсисчиси компанияда 15%лик улушга эга унинг собиқ турмуш ўртоғи эканлиги маълум бўлди. Судья турмуш ўртоғи билан қариндошлик алоқалари тугаганлиги сабабли бу ҳолат манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлмайди деб ҳисоблаб, ишни кўриб чиқиш давомида ўзини рад қилмади.

Савол: мазкур ҳолат манфаатлар тўқнашuvi деб эътироф этилиши мумкинми ва қандай шартлар бунга асос бўлиши мумкин?

3-КАЗУС

- ▶ Мен вилоят суди судьясиман. Менинг фарзандим юридик факультет талабаси ва у кейинги семестр давомида ушбу вилоятдаги туман суди судьясига бириктирилган ҳолда ҳақ тўланмайдиган стажировка ўташи керак.
- ▶ а. Ушбу вилоятдаги туман судининг судьяси менинг фарзандимни ҳақ тўланмайдиган стажер сифатида қабул қилиши мумкинми?
- ▶ б. Ушбу вилоятдаги туман судининг судьясига менинг фарзандимни ҳақ тўланмайдиган стажер этиб тайинланиши мени туман судьяси кўрган ишлар бўйича апелляция ёки кассация шикоятларини кўрмаслигимни талаб қиладими?
- ▶ с. Мен фаолият юритадиган вилоят судида, лекин бошқа суд биносида ишлайдиган судья менинг фарзандимни ҳақ тўланмайдиган стажер сифатида ёллаши мумкинми?

4-КАЗУС

- ▶ Мен биринчи инстанция суди судьясиман. Агарда мен билан ишқий муносабатда бўлган шахс судья ёрдамчиси лавозимига энг муносиб талабгор бўлса, уни ўзимга ёрдамчи қилиб олишим мумкинми?
- ▶ Мен туман суди раисиман. Менда ишлаётган котиб ушбу туман судьясининг ўғлига турмушга чиқса, ушбу котиб мен билан ишлашни давом эттириши мумкинми? Агар у шу суднинг судьясига турмушга чиқса-чи?

5-КАЗУС

Тошкент вилояти суди учун товар/хизматларни харид қилишни танлов асосида амалга ошириш мақсадида судда 5 кишидан иборат харид комиссияси тузилди. Иштирокчиларнинг аризаларини кўриб чиқишда танловда иштирок этувчи етказиб берувчилардан бири – хусусий тадбиркор харид комиссияси аъзосининг амакиваччаси эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат харид комиссияси томонидан аризаларни кўриб чиқиш босқичида аниқланди.

Савол:

- 1) Мазкур ҳолатда манфаатлар тўқнашуви мавжудми? Агар мавжуд бўлса, уни ҳал қилиш учун ким томонидан қандай чоралар кўрилиши керак?
- 2) Харид комиссияси аъзосининг иштирокчи ташкилотнинг аффиллаган шахси эканлиги харид ғолибини танлаш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин ва шундай қарор қабул қилингандан кейин аниқланганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Эътиборингиз учун раҳмат